

ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф 25 февраль куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Икки мамлакат халқларини мустақкам тарихий алоқалар боғлаб турса, бугунги ривожланган даврдаги ҳамкорлик изчиллиги барқарор ва ишончли бўлади. Ўзбекистон ва Покистонни ана шундай ришталар бир-бирига эш қилади.

Бу ришталар эса Буюк ипак йўлининг умумий маданий аъаналари каби тарихий манбалардан қувват олади.

Покистон — Ватанимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган мамлакатлардан бири. Икки давлатнинг муштарак манфаатларга асосланган ҳамкорлиги йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Тошкент шаҳри халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилиб, фахрий қоровул саф тортиди.

Сўнг Покистон делегацияси “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюрди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

“Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медалини таъсис этиш тўғрисида

2025 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги нишонланиши муносабати билан Ватан ҳимояси йўлида мардонавор курашган буюк аждодларимизга алоҳида эътибор ва чуқур эҳтиром кўрсатиш, ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини муносиб равишда иззат-иқром билан шарафлаш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги шарафига “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медални таъсис этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медални билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — “1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” ва “Япония устидан қозонилган ғалаба учун” медаллари билан, уруш йилларида жанговар хизматлари учун бошқа орден ва медаллар

билан мукофотланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёхуд Ватан уруши ногирони гувоҳномасига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фронт орти меҳнат фахрийлари, шу жумладан, “1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун”, “Меҳнатдаги жасорати учун”, “Меҳнатда ўрнат қўрсатганлиги учун” медалларига ёки 1941-1945 йиллардаги уруш даврида Қуролли Кучларда фуқаро шахслари эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат фронти қатнашчилари мукофотланади.

3. Қуйидагилар:

“Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медални тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медални ва тавсифи 2-иловага, унинг гувоҳномаси ва тавсифи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат

хавфсизлик хизмати Камбағаллиқни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медални билан мукофотланиши лозим бўлган 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва ногиронларининг, меҳнат фронти қатнашчиларининг аниқ рўйхатини тузиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Марказий банк ва “Сувенир” масъулияти чекланган жамияти билан биргаликда бир ой муддатда “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2025 йил 25 февраль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Фармоннинг 1-, 2-, 3-иловалари 2-бетда.

ЭЛЧИ Алишер ТЎХТАЕВ:

“ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ЎРТАСИДАГИ СИЁСИЙ АЛОҚАЛАР СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚДИ”

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф 25 февраль куни икки кунлик расмий ташриф билан мамлакатимизга келди. “Дунё” АА муҳбири ташриф арафасида мамлакатимизнинг Исламободдаги элчиси Алишер Тўхтаев билан Ўзбекистон — Покистон икки томонлама муносабатларининг жорий ҳолати ва истиқболлари хусусида суҳбатлашди.

— Покистон Бош вазирининг Ўзбекистон расмий ташрифи арафасида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар қай ҳолатда?

— Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги сиёсий алоқалар сўнгги йилларда янги босқичга чиқди. Давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари, стратегик шерикликка доир келишувлар

ва ҳамкорликка оид баёнотлар бунни яққол тасдиқлайди.

Икки давлат БМТ, ШХТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳар икки мамлакат минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасида

алоқаларни кучайтириш учун ўзларининг қатъий сиёсий иродасини намоён этмоқда.

Покистон Бош вазири Шаҳбоз Шариф жаноби олийларининг юртимизга ташрифи сиёсий мулоқотларни янада мустақкамлашга, ўзаро

ишонч ва англашувни оширишга хизмат қилади. Ташриф доирасида муҳим сиёсий ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

➡ Давоми 2-бетда

Ифтихор

АРМИЯ ВА ТАРБИЯ

Сирожиiddин САЙИД,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ўзбекистон халқ шоири

Янги Ўзбекистоннинг миллий армиясида
Шоирлар ҳам сафдошдир таълим-тарбиясида.

Яъни ҳар бир ижодкор, ҳар ёзувчи ё адиб —
Сардор бўлмоғи керак билимдон ва ботартиб.

Ҳар жанговар аскарнинг биз ҳам тенг-тўшларимиз,
Қалам-ла қуролланган қуролли кучларимиз.

Ким Темурхон бобонинг қудратини билмаган?
Бобо орзу қилган, лек хаёлига келмаган:

Кимки шубҳа қилгайдир доверуги, камолига —
“Темурбеклар мактаби” жавобдир саволига.

Инчунин, ҳар бир зобит, ҳар сипоҳ, ҳар байроқдор,
Кечган шонли жанглардан бўлмоғи шарт хабардор.

Миллат хоки пойларин тавоф қилса арзийди,
“Зафарнома” яратмиш мавлоно Али Яздий.

Давлати пойдорликнинг мангу гувоҳномаси —
“Зафарнома” эмас, бу — буюк халқ шоҳномаси.

Ўпгил, эй Европа сен, бармоқ, узукларидан,
Ҳануз сабоқ олгайсан “Темур тузуқлари”дан.

Бутун олам аҳлига ҳарбий номандир менинг,
Жангонам, курашномам — “Бобурнома”мдир менинг.

Ватан — жон ва тандадир, жон Ватан — жон ва тандир,
Ватанпарвар инсонлар жон чекиб, жон тиккандир.

“Йёлу Ватан узра то жони бор, — деб айтган,
Киши ҳарб этар токи имкони бор”, деб айтган,

Навоий бобомиздан тимсол келтирсам агар,
Неча минг кўнғилларни уйотмоғи муқаррар.

Ҳар шоир, ҳар аскарга қатъият, ишддат керак,
Азму ишжоат керак, илму маърифат керак.

Бунда ҳар он асқотар ақлу фаҳму фаросат,
Дунёвий билимлар ҳам матонат ва сабоқат.

Бу қандай дилбар диёр, дил диёр, дилдор диёр,
Аскарлари ҳам бедор, шоирлари ҳам бедор.

Аммо олам авзойи — кеча-кундуз талотум,
Босин айтолмамай бирор Алп ё Афлотун.

Фитрат домла айтгандай: Дунё — кураш майдони,
Бир томони тошқинлар, ёнгиндир бир томони.

Дунёнинг дунёликка қолмагандай ҳоли ҳам,
Қиргинбарот урушлар давом этар ҳали ҳам.

Ўттиз етти милён халқ, ўттиз етти милён қалб,
Қалбим, сен ҳам шу сафда хушёр бўлил, уйғон, қалқ!

Токи хавфу хатар бор, шудир темир тарбия:
Ҳар биримиз — посбонимиз, ҳар биримиз — армия.

Халқу Ватан ташвиши — барчанинг тенг ишидир,
Бугун ҳар безовта қалб — хавфсизлик кенгашидир.

Шу боисдан тинчлигу тинч осмонингга шараф,
Биз эзгулик тарафимиз, бизлар халқимиз тараф.

Менинг ҳам қўксим тўла гурур билан ифтихор:
Ўзбек армияси бор! Ўзбек халқи ҳам пойдор.

Ўйласам шул Ватанини — жамирлар кўнғилларим,
Эй, менинг сарбозларим! Менинг генералларим!

Шонли, шавкатли диёр, шу сафда мен ҳам борман,
Не бахтким, саодату бахтингга дахлдорман.

Дунёда Ватан танҳо, халқу миллат ягона,
Миллат бедор бўлса гар, тинч бўлгайдир замона.

Ўттиз етти милён халқ, яна шунча дил, юрак,
Хушёр яшамоқ керак! Хушёр яшамоқ керак!

Миллён-миллён бешикда — чақалоқлар лашқари,
Тамшаниб ўсмоқдадир — келажакнинг аскар.

Лашкар бехатар бўлмас, айтиб кетган боболар,
Оналар дуо айлар, дуо айлар момолар.

Она юрт, ота макон, мен ҳам бир аскарингман,
Уйғоқ қаламим бирлан хизматкор навакингман.

Англадимки: дунёда на жон, на тан абадий,
Фақат Ватан абадий, фақат Ватан абадий.

Менинг ҳам ҳар бир шёғрим — ҳаёту мамотимдир,
Олий Бош Қўмондонга ичган қасамёдимдир.



“Яшил макон” умуммиллий ҳаракати

Кўкарган ҳар туп ниҳол

ҲАЁТ УЧУН ҚАЛҚОН БЎЛАДИ



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўлкамизда баҳор насими эса бошлади. Гарчи изгирин кўкламга ўрин бўшатиб беришга шошилмаётган бўлса-да, барча мавжудотлар — ҳар бир гиёҳ, ҳар майсада яшариш, янгиланиш умиди барқ уради. Бундай лаҳзаларда ота-боболаримиз азалдан табиат бағрига ошиқиб, теварак-атрофни ободонлаштириш, она заминга гўзаллик ва ҳусну тароват бахш этишга интилган.

Шу жараёнда халқимизнинг бебаҳо тафаккур тарзи, орзу-умидлари, келажакка интилишини намоён этувчи кўплаб эзгу қадриятлар шаклланган. Бу бебаҳо мерос бутун ҳам барҳаёт яшамокда ва кишилиқ жамияти тараққиё-



тида ўзлигини намоён этмоқда. Янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўзи олам ва ҳашар билан боғлиқ эзгу анъаналар бунга мисол.

Айниқса, Президентимизнинг шу йил 21 февралдаги “2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида бу борадаги ишлар ривожига қаратилган кўламдор вази-фалар белгилаб берилгани айтиш мудоао бўлди. Жумладан, Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган барча тадбирлар миллий қадрият ва анъаналаримиз ҳамда бугунги ислохотларимизнинг маъно-моҳиятига мос ҳолда юксак даражада ташкил этилади. Умумхалқ байрами мамлакатимизда “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўзи!” деган бош ғоя асосида сайиллар шаклида юқори савияда кенг нишонланади.

Қарорга кўра, бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланиши инобатга олиниб, жексон авлоди вакиллари, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш чоралари кўрилади. “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига қаратилган ва кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олинадиган, улар учун байрам дастурхони ёзилади ҳамда турли хайрия тадбирлари ўтказилади.

Қарорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, байрам арасида барча ҳудудларда, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш акциялари, умумхалқ ҳашарларини ўтказиш вази-фаси белгиланган.

Бугун глобал экологик муаммолар тобора чуқурлашиб, табиатга, алаоқибат инсониятга салбий таъсири, зарари ортиб бормоқда. Ўқитиборилиш, нортимизда ушбу муаммолар ечимига қаратилган қатор янги ва хайрли ташаббуслар ҳаётимизга чуқур кириб келмоқда. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси шулардан бири.

МУТАХАССИСЛАР МАНЗАРАЛИ ДАРАХТ ЭКИЛГАН БОҒДА САЙР ҚИЛИШ БИР НЕЧА ТУРДАГИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИНИ БОСИШИ МУМКИНЛИГИНИ ҚАЙД ЭТАДИ. ШУ БОИС, ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ДАРАХТНИНГ СОЯСИ ЖОНГА, МЕВАСИ ТАНГА ДАРМОН ДЕЯ ЭЪЗОЗЛАГАН. “БИРНИ КЕССАНГ, ЎННИ ЭК”, ДЕБ ТАБИАТНИ АСРАШНИ, ЯРАТУВЧИЛИКНИ КЕНГ ТАРҒИБ ЭТГАН.

2025 йилга мўлжалланган давлат дастурида бу хайрли ишларни изчил давом эттириш билан бир қаторда табиатни асраш, экологик мувозанатни барқарорлаштириш ва “яшил” ривожланишга йўналтирилган кўплаб муҳим ташаббус ва ғоялар, чора-тадбирлар белгиланган.

Жумладан, 2025 йил баҳор-куз мавсумида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида маҳаллаларда дарахт, хонадонлар ва ички кўчаларга гул ва қаламчалар экиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга асосан, умуммиллий дастур доирасида баҳорда 125 миллион ва кузда 75 миллион туп манзарали, мевали дарахт ва бутта кўчатлари ҳамда қаламчаларини экиш режалаштирилган.

Табиатни яшилликка буркашда ўрмонларнинг ўрни бекиёс. Шу боис, бу йилги давлат дастурида ўрмон билан қопланган майдонларни 4,1 миллион гектарга етказиш ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни 14,5 фоизгача кенгайтириш кўзда тутилган. Бунинг учун ўрмон хўжалиқларида 123 миллион туп ниҳол ва кўчат етиштирилади.

— Мақсадимиз фақат ўрмонларни тиклаш эмас, балки улардан фойдаланиш ва иқлим ўзгаришларига қарши курашишда инновацион ва барқарор йўللارни топишдир, — дейди Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори Нурилло Махсумов. — Олимларимиз ва ёш тадқиқотчилар илмий-амалий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда ана шу масалаларни эътиборга олмақда. Хусусан, ўрмонларни кенгайтиришда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос, кургоқчилик, сувсизлик ва шўрға чидамли дарахт ва бутта турлари танланади.

Яшилликка тезроқ ҳисса қўшишда япроқ баргли дарахтларнинг ўрни катта. Кўкаламзорлаштириш ишларини бажаришда шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Қолаверса, экилган кўчат ва қаламчалар тўлиқ унничи, ривожланиши учун экишдан олдин ва кейин агротехник тадбирларни ташкил этиш, ниҳолларни тўғри парваришлаш, ўз вақтида сугориш зарур. Аънавийдан томчиллатиб сугориш тизимига ўттиш ҳам суви тежашнинг муҳим омили. Мутахассислар жойларга чиқиб, ўрмончилар билан ҳамкорлик ишларида ана шундай илмий тавсияларни кенг тарғиб этмоқда. Шу билан бирга, илмий тадқиқот йўналишларини танлашда ҳам бугуннинг талабидан келиб чиқиб, энг устувор масалалар инобатга олинмоқда.

Юртимизда сугорилмайдиган лалми ер анча ҳудудни эгаллайди. Ундан самарали фойдаланиш борасидаги тадқиқотлар натижасида хандон пистанинг лалми ерда ўсишга мослашган 13 нави яратилди. Тадқиқотлар жараёнида бу навларнинг минтақамиз иқлим шароитига мослиги аниқланди. Хусусан, маҳаллий хандон писта навлари сувсизликка чидамли. Шу боис, уларни сугорилмайдиган ҳудудларда экиш мумкин. Қолаверса, аънавий навлар 14-15 йилда ҳосилга кирса, янги навлар 7-8 йилда ҳосил бера бошлайди.

Ҳозир Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти базасидаги пистачилик тажриба станциясида ҳар бир тур бўйича катта плантациялар ташкил этилган. Илмий тадқиқотлар давом эттирилиб, янги навлар районлаштирилишти. Ушбу янги навларнинг кенг экилиши нафақат экологик барқарорлик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, балки экспортни йўлга қўйишда ҳам яхши самара беради.

Олимлар амалга ошираётган яна бир илмий лойиҳа кургоқчилик ва шўрға чидамли галофит ўсимлик навларини кўпайтиришга қаратилган. Бу борада Оролбўйида, шунингдек, чўл ва яйловларда кенг миқёсда иш қилинапти. Тоғ ўрмонларини кенгайтириш ҳам илмий изланишларнинг асосий йўналишларидан бири. Чунки тоғда ўсган ҳар бир дарахт илдири апрофиди сув йиғида. Тоғ экотизимлари қанчалик барқарор, дарахт кўп бўлса, тоза ҳаво, обихаёт ва салқинлик манбаи бўлиб хизмат қилади. Ушбу илмий лойиҳалар яшил маконлар кенгайтиришга замин яратади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Тоғ бағридаги янги ўрмон

Тошкент вилоятидаги Бурчмулла ўрмон хўжалиги юртимизнинг сўлим ва файзли ҳудудларидан. Ушбу хўжалик меҳнат жамоаси ҳам шу кунларда баҳорги экиш ва кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларига қизғин тараддув кўрмоқда. 354 минг гектар майдонни эгаллаган мазкур хўжаликда ҳозир 800 дан зиёд мутахассис ва ишчилар янги ўрмонлар барпо этиш, мавжуд майдонларни қўриқлаш, кўчат етиштириш борасида ишлаяпти.

Ўтган йили ушбу жамоа аҳлининг сай-ҳаракати билан 282 гектар янги ўрмон

дарахтнинг сояси жонга, меваси танга дармон дея эъзозлаган. “Бирни кессанг, ўнни эк”, деб табиатни асрашни, яратувчиликни кенг тарғиб этган.

Айни пайтда юртимизда ўрмонларни асраш ва кўпайтириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш борасидаги хайрли ишлар аждодларимизнинг ушбу ўғитларига ҳамоҳангдир.

— Бу йил 438 гектар янги ўрмон барпо этишни кўзлабтириш, — дейди Бурчмулла ўрмон хўжалиги бош ўрмончиси Бахтиёр Шораҳмедов. — Бунинг учун иқлим шароитимизга мос навлар танланипти. 55 гектарда кўчатхонамиз бор. Шу ерда нинабаргли, япроқбаргли манзарали ва мевали ниҳоллар етиштирилишти. Ишларни ташкил этишда ўрмон хўжалигига туташ ҳудудда жойлашган маҳаллалар билан ҳамкорлик ҳам муҳим.

Шу мақсадда 24 та маҳалла фуқаролар йиғинига ҳамкорликда ишлаш бўйича таклиф хати жўнатилган. Ушбу маҳаллалар билан “Қамбағалликдан фаровонлик сари” дастурини рўёбга чиқаришда биргаликда ишлаш режа қилинган. Бунинг учун ижтимоий дафтарларда турган ишсиз аҳолига ер ажратиб бериш орқали бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ҳам режада турибди.

Тоғ ўрмонларини ривожлантириш борасидаги бу ишлар экологик мувозанатни яхшилаш баробарида туризм ривожига учун ҳам катта имкониятлар яратмоқда. Бурчмулла ўрмон хўжалигида экологик назорат пунктлари йўлга қўйилиб, сайёҳларга хизмат кўрсатиляпти.

Иқлим ва тараққиёт

Иқлим ўзгариши бугун тараққиётга тўғонқ бўлаётган глобал муаммолардан. Бу нафақат сайёраимиз, балки инсон ҳуқуқлари учун ҳам инқироздир. Экологик офатлар соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, сув ва санитария, ҳатто яшаш ҳуқуқига ҳам бевосита таъсир қилмоқда.

Ўзбекистон замини жойлашган Марказий Осиё минтақаси иқлим ўзгаришининг оғир оқибатларини чуқур ҳис этмоқда. Бу юқорида айтганимиздек, иқтисодиёт ривожига ҳам тўғонқ бўлмоқда. Мазкур муаммони ҳал этишнинг оқилона йўли — яшил ривожланишга эришиш.

Мамлакатимизда бу борада “яшил иқтисодиёт” тамойилларини кенг жорий қилиш, иқлим ўзгаришига мослашишга қаратилган лойиҳаларни барқарор молиялаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада замонавий энергетикамкор технологияларни кенг қўллаш орқали иқтисодиётда “углерод изи”ни камайтириш каби устувор вазифалар амалга оширилишти. Жорий йилдаги давлат дастурида ҳам бу йўналишда кенг қамровли чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Хусусан, Париж битими талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг углерод нейтраллигига эришишининг узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилиши режалаштирилган. Бу йўналишдаги мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришда халқаро ҳамкорлиқнинг аҳамияти катта. Қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш” лойиҳасини бунга мисол сифатида келтириш мумкин.

Мазкур лойиҳа доирасида Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятларида салмоқли ишлар бажариляпти. Ушбу ҳудудлардаги ўрмон хўжалиқлари билан ҳамкорликда агроўрмончилик, экотуризмни ривожлантириш ва соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этиш мақсад қилинган. Шунингдек, муҳофаза этиладиган ҳудудларда қатор экологик лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашилади.

Бундан ташқари, ўрмон хўжалиқлари ҳамда миллий табиат боғлари ҳудудидаги ўрмон фонди ерини хатловдан ўтказиш, ундаги дарахт турлари, уларнинг ёши ва камайиб бораётган турларини аниқлаш кўзда тутилган. Ўрмон хўжалиқлари ҳамда миллий табиат боғлари ҳудудида доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этиладиган ер майдонларини танлаш, ўрмон ва овчилик хўжалиқлари ҳамда миллий табиат боғларининг моддий-техник базасини яхшилаш ҳам кўзда тутилган.

— Бугун экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи барча давлатлар учун долзарб ва муҳим вазифа бўлиб турибди, — дейди мазкур лойиҳа экологи Дилдора Аралова. — Минтақамизда бу масалаларга оқилона ечим топишда яшил ривожланиш асосий имконият бўлади. Бу эса бугунги ва келажак авлодларнинг соғлом муҳитга бўлган ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши сари тўғри йўналиш олиш деганидир. Шунга мувофиқ, ўрмонларни қайта тиклаш ва уларнинг углерод сақлаш имкониятини яхшилаш борасидаги чора-тадбирлар глобал иқлим ўзгаришларига қарши курашишда муҳим ўрин тутди.

Лойиҳа доирасида кўплаб чора-тадбирлар режалаштирилган. Жумладан, тоғли ҳудудларда терраса усулида бот барпо этиш белгиланган. Мазкур усулда дарахт экиш сув танқис ҳудудларда обихаётни тежаш ва яшилликни кўпайтиришга имкон беради. Яна бир йўналиш яйловларни тиклаш билан боғлиқ. Бу ишлар бошлангач, ушбу майдонларда маҳаллий аҳолининг чорва боқиши чекланади. Қўтилган самарга эришиш учун эса экологик лойиҳалар аҳолига қийинчилик туғдирмаслиги керак. Яъни кўп йиллар чорва боқиб даромад топишда бундай майдонлардан фойдаланиб келган аҳолининг ҳаёт тарзи зарар етказмаслиқ лозим. Бунинг учун табиатга безарар ва айтиш мумкин яшилликни асраш ва кўпайтиришга имкон берадиган фаолият турларини жорий этиш орқали аҳолига кўмак берилди. Шу мақсадда экологияга безарар фаолиятни йўлга қўйиш учун кичик грантлар ҳам ажратилди.

Бу жараёнда ижтимоий дафтарларга кирган аҳоли тоифаси билан алоҳида ишлаш кўзда тутилган. Уларга даромад топишининг янги усулларини ўргатиш билангина чекланмайди. Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун маблағ ҳам ажратилди. Масалан, мева қуригиданги цех куриш учун 11 миллион сўмлик грант берилди. Олма ва олхўри боғларини барпо этиш учун ҳам бизнес лойиҳалар ишлаб чиқилишти.

Лойиҳани тўла амалга оширишда ўрмончилик соҳаси мутахассисларининг билим ва тажрибасини ошириш муҳим. Шу мақсадда ташкил этилаётган семинар-тренингларда соҳа мутахассислари малака оширишти, ўрмонларни ривожлантириш билан бир қаторда соҳада қўшимча даромад олиш бўйича тажриба алмашмоқда.

Ўзбекистоннинг табиий экологик шароитида, юқорида айтиб ўтганимиздек, экотуризмни ривожлантириш учун катта имкониятлар бор. Бу борада соҳа ташкилотларига кўмак бериш ҳам кўзда тутилган. Масалан, сайёҳлар учун ташир марказлари, кемпинг ва бошқа воситалар қуришга ёрдам берилди.

Бундай экологик лойиҳалар амалга оширилиши натижасида тараққиёт стратегиясида белгиланган катта мақсадлардан бири — углерод нейтраллигига эришишда ва яшил молиялаштириш тизими такомиллашади. Яъни ҳавонини фидослантирувчи ва инсон саломатлигига зарар етказадиган газлар чиқарилишининг олди олинди. Бу, аввало, минтақамиз аҳолиси, қолаверса, бутун инсоният учун тоза ҳаво, мусаффо табиат, узоқ ва соғлом умр бахш этиш, мамлакатимизнинг халқаро углерод савдоси бозоридagi иштирокини фаолаштириш учун ҳам катта имконият деганидир.

ЛОЛА МУРОТОВА МАКТАБИ: ФИДОЙИЛИК ВА МЕҲНАТСЕВАРЛИК ЧИРОФИ ЁНИҚ МАСКАН



Кўхна Фарғонанинг жанубий сарҳадларида қад кўтарган “Янги Ўзбекистон” массивида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Қахрамони Лола Муротова номидаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган техникум билимли ва изланувчан ёшлар билан гавжм, файзли.

Бу ерда касб-хунар ўрганиш истагидаги ёшларнинг билим олиши, назарий кўникмаларини амалиёт билан уйғунлаштириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Бутун умрини қишлоқ хўжалиги соҳасига бағишлаб, элда ҳурмат ва эътибор қозонган, Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, “Эл-юрт ҳурмати” ва “Фидокорона хизматлари учун” орденлари соҳиби бўлган Лола Муротова номидаги мактаб ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Фермернинг бой тажрибасини ёшларга етказиш, қишлоқ хўжалигига ўрта бўгин кадрларини тайёрлаш мақсадида ташкил этилган 480 ўринга мўлжалланган мазкур таълим масканида айни дамда 262 ўқувчи 5 та касб йўналиши бўйича тахсил олмоқда. Жараёнлар дуал таълим тизими асосида, яъни машғулотларнинг 40 фоизи назарий, 60 фоизи амалий тарзда ўтилади.

Муассасада ўттиздан ортиқ аудитория, етти та лаборатория, компьютер хоналари, фаоллар зали ва музей мавжуд. 150 ўринли ётоқхона, спорт зали, мини футбол майдончаси ҳамда зарур жиҳозларга эга устахона ўқувчилар ихтиёрида. Шунингдек, иссиқхона ва машғулотлар учун автодор бунёд этилган.

— Президентимиз таълим муассасаси очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда фермер Лола Муротованинг кўп йиллик меҳнати, инсоний фазилатларини ёлға олиб: “Лола опа ўзбек оёлининг нималарга қодирлигини кўрсатди, шу билан бирга, жуда камтар ва соддадил эди. Фидокорлиги, меҳнатсеварлиги билан юртимиз ривож ва ободлигига катта ҳисса қўшган эди. Бу жиҳатлари ёшларга ўрнак



бўлиши, улар касбни яхши ўрганиши керак”, де-ганди, — дейди техникум директори Гулнор Холиқова. — Ушбу эътироф, эътибор доимий иш амалииши, ҳаётий дастуриимизга айланган. Бу ерда таълим-тарбия олиб, касб-хунар эгаси бўлган ёшлар ҳозирча, изланувчан, интилувчан, ўз касбининг етуқ билимдони ва албатта, фидоий инсоннинг муносиб издоши бўлишга ҳаракат қилиб келмоқда. Соҳадаги бой меросни ўрганиш ва асраб-авайлаш ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришни мақсад қилган ўқувчилар билан Олтириқ туманида фермер асос солган “Нурли обод” хўжалигига тез-тез сەҳаёт уюштириб туриш, унинг ишлари билан танишиб, ибрат олиш, фермер издошлари билан суҳбатлашиш аянганга айланди.

Муассасага дастлабки босқичда умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирганлар ўқишга қабул қилинган. Янги ўқув йилида бошлаб 11-синф ва сиртки таълимга асосланган 9 та йўналишда мутахассислар тайёрланади. Ўқув жараёни бошлангич профессионал таълим дастурлари асосида, амалиёт билан боғлиқ ҳолда ўтказиломда. Техникумда ўқиш бахтига муассар бўлган ўғил-қизларнинг орзулари бир олам.

— Лола Муротова ҳақида жуда кўп эшитганман, унинг ҳаёт тарзи асосида ёзилган “Бархандларда унган гул” китобини ўқиганман, телевизорда кўриб, мана шундай инсон бўлиши орзу қилардим, — дейди Шаҳодат Ёқубжонов. — Қаҳрамон номидаги техникумда ўқиш мақсадини ота-онам ҳам қўллаб-қувватлади. Айни кунда ўсимликлар ҳимояси лаборанти йўналишида тахсил оляпман. Бу касб-хунарга талаб юқори. Кейинги йилларда экологик тоза мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга талаб ортди. Экин майдонлари унумдорлигини ошириш, янги навлар яратиш ва танлаш, ҳар бир ҳудуд иқлим ва сув таъминоти шароитидан келиб чиқиб маҳсулот етиштирувчи юқори малакали мутахассисларга эҳтиёж катта. Таълим муассасамиз энг замонавий ўқув-

Муассасада “Фермерлар мактаби” ташкил этилди. Унда буюртмачилар маблағлари ҳисобидан фермерлар малакасини ошириш курслари фаолияти йўлга қўйилди. Шу кунга қадар сабаз-вотчилик, боғдорчилик, асаларичилик йўналишларида юздан ортиқ кишининг касбий малакаси оширилди.

— Тараққиётнинг бугунги ривожини ҳар бир нарсасига илмий асосда, аниқ ҳисоб-китоб билан ёндашишни талаб қилмоқда, — дейди Фарғона шаҳридаги “Зумрад ниҳол” боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбари Музаффар Аҳмедов. — Бу ерда уч ойлик ўқув курсида боғдорчилик, асаларичилик билан боғлиқ жуда кўп маълумотларга эга бўлдим. Айниқса, интенсив усулда боғ яратиш, сувдан тежаб фойдаланиш, муқобил суғориш тизимларини қўллаб маҳсулот етиштириш, ички ва ташқи бозорга чиқариш, бозор маркетингини йўналишларида малакали мутахассислардан кўп нарсаларни ўргандим, тажриба алмашдим. Бу жараён амалий ишимизда қўл келишига ишонаман. Боғдорчиликдан ташқари асаларичиликни ривожлантиришга қаратилган ўз дастуриимизни ҳам ишлаб чиқдим. Ҳар бир жараён аниқ ҳисоб-китобларга асосланган. Масалан, битта асалари оиласини бир йилда 4-5 ҳисса кўпайтириш мумкин. Асаларилар мевали боғлар ҳосилдорлигини табиий усулда ошириш ҳуусусиятига эга. Авваллари ишни бундай ташкил этмаганмиз, бориға кўникиб яшаиға одатланиб қолган эканмиз. Малака ошириш жараёнида қарашларимиз ўзгарди. Ўйламанки, бундай ҳамкорлик бардавом бўлиб қолади.

Сирасини айтганда, бу ерда то маънодаги Лола Муротова издошлари камолга етмоқда. Ҳар жиҳатдан билимли, изланиш ва интилишдан тўхтамайдиған ғайрат-шижонатга тўла ёшлар ҳали юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Икром ТОЖИБОЕВ,
физика-математика фанлари доктори,
профессор

Халқимиз турмуш тарзи юксалишининг асосий шарти сифатида кўриладиган таълимни ривожлантириш мана бир неча йилдирки, давлатимиз сиёсатининг асосий масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Сўнгги йилларда юртимизда таълим тизимини ривожлантириш, ўқитишни жаҳон андозаларига мослаш ва етук малакага эга кадрлар етиштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

2022–2026 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш бўйича миллий дастурда мактаб ўқувчиларининг билими ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчи касби нуфузини ва педагогларнинг сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, халқ таълими муассасаларининг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий моделларни барпо этиш мақсади белгиланган. Чирчиқ давлат педагогика университетиди “Педагогик таълим инновацион кластери: узлуксиз таълимни ривожлантириш концепцияси” асосида фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялашнинг усул ва йўллари, ўқув муассасалари ҳамкорлигини йўлга қўйиш асослари, таълим тизими ҳамда сифатини бошқаришда кластер моделининг ўрни ва аҳамияти концептуал педагогик муаммо сифатида ўрганилмоқда.

Миллий ўқув дастури асосида таълимни амалга ошириш жараёнида Чирчиқ давлат педагогика университетиди бошлангич синф ўқувчилари қобилиятини аниқлаш, ўқувчиларнинг таълим кўникмаларини шакллантириш диагностикаси йўлга қўйилмоқда. Бу таълим оловчиға таълим йўналишини тўғри танлаш ва келажакни шу асосда қуриш имконини яратса, таълим берувчи учун эса аниқланган қийинчиликларни бартараф этиш, ўқувчиларнинг ҳам фан соҳасидаги, ҳам шахсий даражадаги муаммоларини аниқлашга ёрдам беради. Таълим дастурини амалга ошириш натижаларини мониторинг қилишда ҳам педагогик диагностика муҳим роль ўйнайди.

Таниқли психолог ҳамда педагогларнинг усул ва тавсияларига асосланиб, университет профессор-ўқитувчилари томонидан махсус диагностика топшириқлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосида Чирчиқ шаҳридаги 13-17-умумтаълим мактабларидан 517 нафар 1-4-синф ўқувчисининг билим ва қобилиятлари текширилди. Текширишда олинган дастлабки натижалар уларнинг иқтидор даражаси анча паст эканини кўрсатди. Жумладан, фикрни мазмунли ақс эттириш 7,4 фоиз, муаммоларни умумий тарзда ҳал қилиш қобилияти 30,5 фоиз,



яхлит режалаштириш 10,2 фоиз ўқувчиларға қийинчилик туғдиради. Ўқиш жараёнида ижобий динамика қайд этилган, аммо ўқувчиларнинг креативлик даражаси, қидирув характеридаги муаммоларни ҳал қилиш қобилияти етарли даражадан паст бўлиб қолмоқда экан. Шунингдек, 3-4-синф ўқувчиларининг 11,7 фоиз мазмунли мулоҳаза юритишни, 46,1 фоиз фанлардаги муаммоларни ечиш қобилиятини, 28,1 фоиз режалаштиришни намойиш етди.

Айни пайтда университет бошлангич таълим факультетининг илмий фаолияти

мазкур статистик натижаларни таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш, ўқувчилар билимига таъсир қилувчи омилларни белгилаш ва бартараф этиш, бошлангич таълимда саводхонлики яхшилаш юзасидан тадқиқотлар олиб боришга йўналтирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди бошлангич таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, бунда ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини янада кучайтириш, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларини илмий, назарий, методологик ва амалий жиҳатдан қутилган даражада тайёрлаш масаласи белгиланган. Жумладан, 3-4-синф ўқувчилари учун ўқиш ва математик саводхонлик бўйича синфлар ташкил этиш, бошлангич таълимнинг сифат ва самарадорлигини баҳолашда халқаро дастурлар — PISA, PIRLS,

TIMSS, STEAM стандартларидан фойдаланиш вазифалари қўйилган. Бу янги педагогик таълим йўналиши бўлиб, унга кўра, 3-4-синф ўқувчилари учун ўқиш ва математика фанлари бўйича янги машғулотлар, дарслар ташкил этиш ва уларга мутахас-

“**Университетда бошлангич таълимдаги муаммоларни аниқлаш, таълим мазмунини яхшилаш мақсадида бошлангич таълим йўналишида тахсил олаётган талабалар учун “Педагогик диагностика” курси ташкил этилди. Курс касбий фанлар доирасида талабаларнинг диагностик компетенциясини шакллантиришни таъминлашга мўлжалланган.**

сисларни, олий таълим ўқитувчиларини жалб этиш белгиланган. Бу йўналишда бошлангич таълим факультети Чирчиқ шаҳридаги 13- ва 17-умумий ўрта таълим мактаблари билан илмий ва амалий ҳамкорлик қилади. Шу орқали бошлангич таълим муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва

“диагностика” бўлиб, диагностика кўпроқ мактаб психологи фаолияти билан боғланмоқда. Ҳозирги глобал дунёда электрон (гоҳида қоғоз) ресурслар орқали, асосан, мактабгача ва ўсимлик ёшидаги ҳис-туйғулар, ҳуусусиятлар, ақлий жараёнлар ва шахнинг ҳолатини ўрганиш учун кўплаб усуллар мавжуд, аммо бошлангич синф ўқувчиларини ўрганишда диагностика усуллари етарли эмаслиги аён бўлиб қолмоқда.

Диагностикага нафақат психологик ёки таълимий масала сифатида ёндашиш, балки талабаларнинг қобилиятлари ҳамда қизиқишини аниқлаш сифатида ҳам қараш даркор. Шу мақсадда университет бўйича педагогик диагностика ишлари амалга оширилди, яъни 4840 нафар та-

боғчадаги “Боғча-лаборатория”ларда 16 лойиҳа амалга оширилмоқда. Айни дамда университетнинг 30 дан ортиқ илмий тадқиқотчиси ушбу лойиҳаларда фаолият олиб бормоқда.

Мактабгача таълим тизимига илгор педагогик технологиялар ва инновациялар ҳамда ахборот технологияларини жорий этиш, малакали педагогик кадрлар тайёрлаш мақсадида “Мактабгача таълим лабораторияси” йўлга қўйилган. Лабораторияда инновацион тажриба майдончаси сифатида университетнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар муаммолар ечимига қаратилган илмий лойиҳалар устида ишламоқда.

Талабаларни педагогик касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнини тезлашти-



лаба орасида педагогик ва психологик муносабатлар ҳамда касбга йўналтириш юзасидан сўровнома ўтказилди. Натижаларга кўра, талабаларнинг кўпчилик қисми диққатни жамлашга эътибор қаратмаслиги аниқланди. Бу натижанинг шаклланиш сабабини атроф-муҳит билан

риш, ижодкорлик кўникмаларини тарбиялаш, шунингдек, кластер ёндашувига асосланган ўқув-амалиёт жараёнида ўқитувчи — талаба — ўқувчи ўртасида “тескари алоқа”ни ўрнатиш, “ўзаро таъсир қу-чи”ни пайдо қилиш мақсадида Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн илмий-

боғласак муболага бўлмайди. Чунки бугунги ёшларимиз ҳаётида фаол иштирок етаётган Интернет тармоғи, ижтимоий саҳифалар, телефон ва бошқа электрон қурилмалар диққатни жамлаш кўникмасига жуда катта салбий зарар етказмоқда. Та-

тадқиқот маркази фаолият кўрсатаётир. Марказ моддий-техник базаси асосида заргарлик ўқув-амалий лабораторияси, ҳақалтарошлик ўқув хонаси, макет лойиҳаси ўқув ва амалиёт хонаси, ижодий тадқиқот лабораторияси, ёғоч ўймакорлиги ўқув амалиёт хонаси, миниатюра хонаси, композиция, дизайн, амалий санъат ўқув-амалиёт хоналари ишлаб турибди. Шунингдек, Тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва қўшимча касб-хунарга ўқитиш маркази ташкил этилган. Марказда пайвандлаш, токарлик, тикувчилик, дурадгорлик касбларини ўргатиш йўлга қўйилган. “Компетент сервис” ўқув-психологик маркази эса талабаларни касбий амалиётга эрта мослаштириш, касбий компетенцияни мобиллигини таъминлаш ҳамда Тошкент вилояти (Чирчиқ шаҳри) аҳолисига психология, педагогика ва инклюзив таълим йўналишларида амалий (ижтимоий) ёрдам қўрсатишга хизмат қилмоқда. Марказ фаолияти доирасида логопедия, инклюзив таълим, дефектология ҳамда ақлий ривожланишда нуқсонли бор болалар билан ишланилти.

Информатика кафедраси ҳузурида ташкил этилган IT марказда резидентлар видео-фотомонтаж, полиграфия, медиа, SMM соҳаларида фаолият юритмоқда. Шунингдек, бу ерда математика ҳамда C++ дастурлаш тили бўйича ўқув курслари очилган.

Табиий фанлар факультети ўқув базасида иссиқхона хўжалиги ва тадбиркорлик ўқув курси йўлга қўйилиши ортидан талабалар маҳсулот етиштириш, етиштириладиган маҳсулот номенклатуралари тўғрисида назарий ва амалий ёндашув уйғунлиги таъминланган ҳолда зарур билим ва кўникмаларга эга бўляпти.

Айни пайтда ривожланган мамлакатлар педагогик таълим тизими кадрларини кўп профилилик ҳамда замонга мослашувчанлик қобилиятларига қатъи эътибор бермоқда. Шунга кўра, замонавий келажак ўқитувчисини тайёрлаш мақсадида Чирчиқ давлат педагогика университетиди қўш мутахассислик тизими йўлга қўйилди. Бунда талабаларнинг қизиқиши ва истакларини инобатга олган ҳолда ўқув йили давомида икки йўналиш дастури ўқутилди ва тахсил олган йўналишлари бўйича қўш дипломга эга бўлади. Бугун университетда мактабгача таълим ва бошлангич таълим йўналишларида қўш мутахассислик дастурлари ишлаб чиқилган. Бу тизим келажакда битирувчиларимизнинг кўп профили ҳамда рақобатбардор кадр бўлиб етишишига замин яратяди.

Таълим тизимини ривожлантиришда унинг барча бўғинларини узвий боғлаш ҳамда тизимдаги камчилликларни аниқлаш ва бартараф этиш муҳим. Педагогик диагностиканинг асосий вазифаси ҳам шундай, яъни таълим оловчиларнинг маълум бир ривожланиш босқичидаги таълим ва тарбия даражалари тўғрисидаги диагностик маълумотларни таҳлил қилиш орқали кейинги жараёни лойиҳалаш учун асосий маълумот бўлиб хизмат қилади.

Дилнавоз НАЖИМОВА,
болалар ёзувчиси:

A woman with long dark hair, wearing a light-colored blazer over a red patterned scarf, is smiling and holding a book titled "Anisaning uyi" by N. S. S. The book cover is yellow with a small illustration of a person.

Эшлгимда китоб дўконига кириб, пулим
етмаган китобларни уша ерининг узида ўқир-
дим. Уйимиздаги жавабда китоблар ёш
шизга мослаб терти қўйилди. Дадам қайси
вилоятга борса, уша ердан китоб олиб, теле-
фонда китобдан парча ўқиб берарди. Сафар-
дан қайтгунича интиқиб кутардим. Ҳозир
ўзбеклар дунёга тарқалиб кетди. Нега энди
уша ердан китоб сотиб олиб, уйига жўнат-
майди, нега жўнатган пулдан китоб олиб
беришини айтмайди? Тўйга, уйга, машинага
пул етади, лекин боланинг ўқиши учун аж-
ратилмайди.

Шундай экан, болалар адабиёти фақат раван ўқиб, бадий асардан завқланиш ва ундан ҳикмат излашдан иборат эмаслигини англаб олишимиз шарт. Биз болалар китобхонлиги ўларнинг келажаги учун ҳудди сўв

Бундай ғалати қарашнинг моҳияти шундаки, болалар учун ёзилган асарда, албатта, катта ҳақиқат, тарбиявий ғоя бўлиши шарт. Мана шундай қараш туфайли биз 4-5 ёшли бола учун ҳам “ҳикмати” асарлар ёзиб, уларни мутолаадан бездирамыз. Йўқ, бола шунчаки ўқиб малака ошириши, матнни ҳис қилиши, ҳаракат ва маълумотлар кетма-кетлигини кузатиши учун ҳам содда асарлар ёзиш мумкин-ку!

Саъдулла ҚУРОНОВ,
болалар ёзувчиси:

— Болалар адабиётини катталар адабиёти
каби шеърй ҳамда насрий асарлар ташкил
ташвиш хаммамизга маълум. Буни эслаб
ўтганимнинг сабаби биздаги муаммолар,
аниқроғи, бўшлиқлар фақат болалар учун
аталган насрий асарларда деб ўйлайман.
Бойси, болалар адабиётидagi шеърйямнинг
рамзий силсиласи — ташувчи ғояси,
мақсоди, мероси ҳар давр руҳига хос тарзда
янгиланиб, мостлашиб келган.



Бир оз купол қилиб айтганда, бир авлод болалар шоири кексайиб, қўлига қалам оғирлик қилган пайтда бошқа бир забардаст шоир етишиб келишга улгурган. Болалар насли борасида эса бундай деб бўлмайди. Айрим омилар бунга тан олишга мажбур қилади. Масалан, болалар адабиётининг йирик на-
маоясида, халқ ёзувчиси Худойберди Тўхта-
боевнинг орамизда йўқлиги шу бўшлиқнинг
қўлини аққол кўрсатиб бериш. Бу адибдан
сўнг бошқа ҳеч ким мутолаа завқини энди
туя бошлаган бола учун ўз даврига мос ахло-
қий тушунарларини содда тилда тушунтириб
беришдек мушкул вазифани тўлиқ уддалай
олмади. Бу йўлда фақат турли тажрибалар гу-
воҳи бўлиди, ҳолос.

Урта асрлардаги мумтоз шеърятимиз бутун бошли адабиётимизда асосий улушга эга. (Бунга сабаб, эҳтилом, адабий генимизда шеърят кўпроқ сақланиб қолгани бўлса керак). Гарбда эса айни шу паллаларда роман, драматургиянинг турфа шакллари ривож топди. Илк насрий уринишлар ҳосиласа бизда атиги бир ярим аср илгари кириб келгани учун ҳам ҳозир наср биз кутган даражага чиқмаётган бўлиши эҳтимоли бор.

Адабий мактаблар, устоз-шогирд аъна-
налари йўқолиб кетётгани ҳам қатта са-
баблардан бири деб ўйланам. Илгари тах-
ририятларда, газета-журналларда адабиёт
дэгралари билан бирга ишлайдиган ёшлар
таъбири равишида истеъдоднинг шакллантириб,
унга сайқал бериб борган. Жараён ортиқча
шовқинсиз, уринишларсиз, устознинг умри
мобайнида англаб етган фалсафаси ва шо-
гирдининг иштиғиёи эвазига қайнardi. Ҳозир
бирор ҳаваскор қаламшак қайсидир тахри-
рият эшигини қоқиб, маслаҳат сўраб келадиган

дейсизми? Йўқ. Бор бўлса ҳам бармоқ билан санарли.

Бундан ташқари, биз ўз қаҳрамонимизни йўқотиб қўйдик. Топа олмадик, ярата олмадик эмас, айнан йўқотиб қўйдик. Ёзтибор бермадик. Натижада бутунги болаларнинг аксари Алпомиш, Кунтуғмиш, Равшанхон, Рустамхоннинг алпларга хос хатти-ҳаракати ишонқирамай, буртирлиган деб ўйлаб, аллайаси ҳашаротнинг қобилиятини ўзидан муқимаслаштирган “супер” одамга ҳайрат қўзи билан бокмоқда. Шундай бўлиши табiiй. Чунки биз ўз қаҳрамонларимизни замонга мослашга, рақамлаштиришга ҳаракат қилиб қўрмадик. Ёзтибори эса “комикс” лар, “манга” лар ийиб кетди. Бу билан комиксларни ёмонлашдан ироқтман, уларнинг ҳам ўзига яраша вазифаси бор. Ўсмирлар дунёқарashi, тасаввур шаклланишга, тан олайлик, бутун айнан шулар тасвир қўрсатди. Биз ҳам шундай оммалаштиракс бўларди демоқчиман. Бунинг учун бизда ҳаммаси бор эди: тугал гош, аниқ фалсафа, мукаммал сюжет чизиги... Бу тақлифни бирёқлама тушуномаслик керак. Бизга қаҳроман керак, аммо бе-нуқсон, биз ҳаётда ҳе қачон учратмайотган сифатга эга, бизнинг ҳам каттарок мавдудлар

“

— Бугунги ўзбек болалар адабиётидаги оқсашлар умумий тизимга бориб тақалади. Бизда китоб ва ноширлик саноати ривожланиётгандек кўрингани билан, аслида, ҳамма бир йўлдан борапти. Болаларбон асарлар жуда кам босилапти, чоп этилгани ҳам оммалашаётгани йўқ.

эмас, айнан ўзимизга ўхшаган, биз каби озгина майший муаммоларга ўралашган, баъзи ҳолатларда хато қарор қабул қиладиган, ва ундан хулоса чиқарадиган, кечирадиган, кечирим сўрайдиган, ўрганадиган, ўргатадиган, ўзлигидан, ўзбеклигидан уялмайдиган ҳақиқий қаҳрамон керак.

Бу вәкәни олдин ҳам айтгандим. Адабий учрашууда бир аёл менга савол берганди: "Нега қахрамонларингиз тақдирى бу қадар түкси, неча зигирча бўлса ҳам изтироб, айрилиқ йўқ? Ахир ҳаёт ундай эмас-ку?!" Аёлнинг саволи мени доводиратиб кўйган. Жавобим йўқ эди. Шунчаки билмасдим, ростдан йўлаб кўрмәган элим.

Кейинроқ чет эл болалар ёзувчиларининг суҳбатини тингладим. Унда эри тўсатдан вафот этиб, уч фарзанди бўлган бева қизлар ёзувчи аёл қисмати ҳақида сўз борди. Аёл ўзи ва фарзандларини тушунлиқдан чиқариш учун отаси вафот этган қаҳрамон ҳаёти ҳақида асар ёзди. Кутилмаганда бу асар бестселлерга айланган.

Сухбатни тингларканман, кўз олдима
 ўша — менга савол берган аёл келди. Хой-
 нахоний фарзандлари ҳам айрилик ала-
 мини тотиб кўрган. Менинг идеал турмуш
 ҳақидаги асарим эса уларнинг руҳиятига
 ақл тасйир кўрсатгандир... Шу-шў болалар
 асарларининг мавзуси ҳақида кўп бош ко-
 тиридидаган бўлдим. Ўйлаб қарасам, бизнинг
 болалар адабиёти хали ҳам у қадар ишти-
 моийлашмаган. Ҳамон эртак ва дoston-
 лардаги идеал тақдир ва қаҳрамонларнинг
 тасвир кучли. Ҳаётини, маиший муаммолар
 ҳақида ёзишга эса кўп ҳам уринмаймиз, гўё
 бу адабиёт эмас.

Адабиётни идеаллаштиригимиз сабаби биз, дейлик, пули йўқигунч унч тушлик қила олмайдиган ёки тилида нуқсони бр болаларнинг кечмиши ҳақида деярли ёзмаймиз. Биз унч адабиёт тақат нарсалар, гоғлар ҳақида қуйлаши зарур, татом. Тўғри, шундай бўлиши лозим, аммо инсонийлик доим биринчи ўринда туради. Инсонпарварлик орқали шу ёғи сингдирилса, қандай гўзал!

Менимча, ўзбек болалар адабиёти тренд-га чиқа олмаслигининг асосий сабабларидан бири мавзуларнинг ҳаётий эмаслиги билан боғлиқ.

**“ МЕНИМЧА, ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ ТРЕНДГА
ЧИҚА ОЛМАСЛИГИНИНГ АСОСИЙ САБАБЛАРИДАН БИРИ
МАВЗУЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ЭМАСЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ.**

“Комикс”лар, “софтбук”лар каби замонавий кўринишдаги китоблар жуда зарур!

Шоҳрух УСМОНОВ,
таржимон:

— Бугунги ўзбек болалар адабиётидаги оқсашлар умумий тизимга бориб тақалади. Бизда китоб ва ноширлик саноати ривожланаётгандек кўрингани билан, аслида, ҳамма бир йўздан борапти. Болаларбоп асарлар жуда кам босилапти, чоп этилгани ҳам оммалашаётгани йўқ. Дейлик, охириги бир-икки йилда “Атом одатлар” китобини сотиб олманг китобхон қолмади шекилли. Лекин болалар учун ёзилган қайси асар бир неча ўн минглаб адабда чоп этилиб, қайта-қайта сотилмоқда? Креатив иқтисодийни ривожлантирадиган, айниқса, болалар китоблари учун PR ва маркетингни кучайтирадиган пайт келди.



лар адабиётининг аҳволига боғлиқ. Сифатли китобларни ўқиб улғайган бола эртага, ҳеч шубҳасиз, зиёли қатламнинг вакили, таъбир жоиз бўлса, пешқадами бўлиб етишади. Бунинкор этиш имконсиз.

Негадир биз ҳар қандай янгиликка хавфсиз раб қараймиз. Бир замонлар одийдигина “селфи”ни ҳам хавфли деб ҳар солғамиз. Аммо китобдан, адабиётдан бирор хавф кутиши бир оз кузгили. “Комикс”лар, “манга”, “лар”, “софтбуқ”лар, поп-ап, AR ва ҳоказо замонавий кўринишдаги китоблар бугун жуда тароу. Бола китобини ҳам ўқиб, ҳам ўйнаб, ҳам таъжуб қилиб завқ олганига нима етсин!

Болалар адабиётини ривожлантириш учун ҳар қим ҳар хил ечим тақлиф қилқан. Ҳол-таржимонман, шундан келиб қикқан ҳол-да айта оламнки, ҳажон болалар адабиёти дурдоналарини пайсалга солмасдан таржима қилиш шарт. Масалан, бизнинг болалар ҳам Роялд Даль, Астрид Линдгрен, Туве Янссон, Доктор Сюз, Мишель Морпургу, Дэвид Уолмас, Арнольд Лобел қабн дунё тан олган адабиётнинг бир-биридан гўзал асарларини баҳраманд бўлиши керак. Бунинг учун болалар адабиёти оммалашуви йўлида ечимширишга тайёр таржимон, муҳаррир ва но-ширларга ҳар доимгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезамиз.

Ўзбек болаларига “Сариқ девни миниб”
“Ширин қовунлар мамлақати”, “Даҳшатли
Мешполвон”, “Оловжон ва унинг дўстлари”
ва халқ оғзаки ижоди намуналари билан бир-
га бутунги кун воқелигига мос замонавий
асарлар керак. Майли, болангиз турли он-
лайн манбаларга, редбуқларга ҳам, китобга
ҳам бирдек меҳр қўйиб улғайсин, иккисига
ҳам бэзيتибор бўлгандан шуниси хайрлироқ,
ку, тўғрими?

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигини
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.
37560 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусахҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри
Шаҳрисабз кўчаси, 85-у

ЎзА якуни — 21:40 Топширилди — 23:35

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририягта келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайд.

Етанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета тахририйат компьютер марказида саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05